
Ёлғиз оналарга эҳтиром кўрсатилди

Ўзбекистон туманида “Оналарга эҳтиром” фестивали доирасидаги тадбирлар давом этиб, азиз ва мўътабар зотларга тумандошларимизнинг юксак меҳри ва эътибори кўрсатилмоқда.

Туман тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими ташаббуси билан байрамга ўзгача ёндошилиб, ҳам меҳрибон ва жонкуяр зотларга эҳтиром кўрсатилди, ҳам савобли ишга қўл урилди.



Саҳоватпеша инсонлар ҳомийлиги асосида тумандаги 80 нафар ёлғиз оналар ва 10 нафар ижтимоий соҳаларда ишлаб, бугун кексалик гаштини сураётган оналар учун “Ҳожа Писта бобо” зиёратгоҳида байрам дастурхони ёзилиб, уларга иззат-икром кўрсатилди.



Дастурхонга ош тортилиб, эзгу ташаббуслар ҳақида дилдан суҳбатлашилди.

Қуръон тиловати ўқилиб, дуои хайрлар қилинди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-05-24 23:46:16